



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХАТТИЙ ҲАҚИДАШУВ ҚАРОРИ

2023 йил 1 март

Бекобод шаҳри

4-1106-2301/217-сонли иш

Бекобод туманлараро иқтисодий суди судьяси М.Набиев раислигида, Ж.Таированинг котибалигида, [REDACTED] (ишончнома асосида), иштирокида аризачи [REDACTED] г қарздор [REDACTED] тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топиш ҳақидаги аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

аризачи [REDACTED] (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) Бекобод туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор “ [REDACTED] (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили ариза талабларини қувватлаб, солиқ органи томонидан қарздорнинг молиявий аҳволи ўрганилганда қарздорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарздорлиги мавжуд эканлиги аниқланганлиги, ушбу қарздорликни ундириш мақсадида мажбурий ижро бюросига ижрога қаратилганлиги, бироқ, бюро томонидан қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги важи билан ижро ҳужжатлари аризачига қайтарилганлиги, шу сабабли судга ариза билан мурожаат қилганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Қарздор суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, бугунги суд мажлисида вакили иштирокини таъминламади.

Мазкур ҳолатда суд, низо юзасидан қарор қабул қилиш учун асослар етарли эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ишни қарздор иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд, ишда иштирок этувчи шахслар вакиллари тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ва суд муҳокамаси жараёнида тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг аризасини

каноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини қарздор хисобидан ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг (бундан буён матнда “Қонун” деб зоттида) 5-моддасига кўра тўловга қобилиятсизлик аломатлари куйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ушбу қонунда қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этган корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олдинги қонунда бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини каноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, [REDACTED] 2019 йил 26 июлда 746754-сонли реестр рақами билан тадбиркорлик субъекти сифатида Бекобод шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган ва унга 306603960-сонли СТИР берилган. Корхонанинг асосий фаолияти ёғоч ва қурилиш материаллари улгуржи савдоси бўйича агентлар фаолияти ҳисобланади. Қарздор раҳбари (таъсисчиси) сифатида [REDACTED] фаолият юритиб келган.

Аризачи Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардан кўринишича, қарздорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги жами қарздорлиги 15 807 393 270,58 сўмни ташкил этган.

Аниқланишича, қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзини унинг мол-мулки хисобидан ундириш юзасидан аризачининг қарор(лар)и мавжуд бўлиб, ушбу қарор(лар)нинг ижроси юзасидан олиб борилган ижро ҳаракатлари самарасиз яқунланганлиги сабабли Мажбурий ижро бюросининг Бекобод шаҳар бўлими давлат ижрочилари томонидан қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаганлиги ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада қўрилган барча чоралар натижасиз бўлганлиги сабабли ижро ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан ундирувчи аризачига қайтарилган.

Шу сабабли аризачи қарздорни тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топишни сўраб судга ариза билан мурожаат қилган.

Қонуннинг 241-моддасига кўра ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тadbиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъий назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлатлик хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкин.

Аризачининг судга тақдим этган ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Марказий банк томонидан амалиётга жорий этилган дастурий маҳсул маълумотларида қарздорнинг ҳисобварақасига қўйилган инкасса топшириқномалари асосида картотека (К-2) 15 903 508 625,42 сўмни ташкил этади.

Аризачи томонидан қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш бўйича чиқарган қарорлари ижро қилиш учун Мажбурий ижро бюросининг Бекобод шаҳар бўлимига юборилган. Давлат ижрочилари томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаганлиги аниқланган ҳамда қарздорнинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижросиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган чоралар натижа бермаган.

Шу боис Мажбурий ижро бюросининг Бекобод шаҳар бўлими давлат ижросиси томонидан “Ижро ишини юритишни тамомлаш ва ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш тўғрисида”ги қарорлар билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қарздорнинг ундирув қаратиш мумкин бўлган мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатлари ундирувчига ижросиз қайтарилган.

Шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг www.mib.uz порталидаги дастурий маълумотларга кўра қарздорнинг номига автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объектлари рўйхатга олинмаган.

Демак, мазкур ҳолатда қарздорнинг мавжуд қарздорликни тўлаш ва бошқа мажбуриятларни бажарилмаганлиги 3 ойдан ортиқ муддатни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида қарздорнинг фаолиятида тўловга қобилиятсизлик аломатлари мавжудлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, Қонуннинг 242-моддасига кўра суд ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳозир бўлмаган қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишда кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув тартиб-таомиллари қўлланилмайди.

Суднинг қарори ваколатли давлат органига юборилади, бу орган мазкур қарор олинган кундан эътиборан бир ҳафталик муддатда судга тугатиш бошқарувчилигига номзодни тақдим этади.

Тугатиш бошқарувчиси ўзига маълум бўлган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор

килади, улар хабарномани олган кундан эътиборан бир ойлик муддатда тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини такдим этиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқлаган тақдирда суд мазкур бошқарувчининг илтимосномасига кўра тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини тугатиш ҳамда тўловга қобилиятсизликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий тартиб-таомилларига ўтиш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

Демак, мазкур ҳолатда қарздорнинг ҳозир бўлмаганлиги сифатида нафақат унинг раҳбари йўқлиги, балки хўжалик юритувчи субъект мол-мулкининг йўқлигини ҳам тушуниш лозим деб ҳисоблайди.

Шунга кўра суд қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги давлат ижросисининг ижро хужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги қарори билан тасдиқланишини инобатга олиб, ишни тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомили бўйича кўриб чиқишни лозим топди.

Қонуннинг 52-моддасига кўра суд тўловга қобилиятсизликка оид тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаганда суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.

Суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорида қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ва унга ҳақ тўлаш ҳақидаги кўрсатма акс эттирилиши керак.

Қайд этилганларга кўра, суд аризачининг қарздорни соддалаштирилган таомил асосида банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни, суд харажатларини эса Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига асосан қарздор зиммасига юклашни лозим топади.

Шу билан бирга Қонуннинг 142-моддасига асосан суд қарздорни банкрот деб топиш ҳақида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди. Устав фондида (устав капиталида) давлатнинг улуши бўлган корхона банкрот деб топилган тақдирда, ваколатли давлат органи ҳам тугатиш бошқарувчилигига номзод такдим этиши мумкин.

Қонуннинг 111-моддасига кўра, Ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий қилиш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторларнинг йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни маъқуллайди.

Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторларнинг йиғилишига ҳар қандай кредитор томонидан ёки ваколатли давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин.

Кредиторларнинг йиғилиши томонидан қарор қабул қилишнинг ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган тартибига мувофиқ кредиторларнинг энг кўп овозини олган шахснинг номзоди судга таклиф этилади.

Суд ташқи бошқарув тартиб-таомилини кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлмаган ҳолда жорий этаётган бўлса, кредиторларнинг йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни суд ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий этиш ҳақида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ҳафталик муддат ичида кўриб чиқишга, маъқуллашга ва судга тақдим этиш ҳақи.

Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторларнинг йиғилиши томонидан тақдим этилмаган ҳолда, суд ваколатли давлат органи томонидан тақлиф этилган номзодлар орасидан ташқи бошқарувчини тайинлайди.

Мазкур ҳолатда суд тугатиш бошқарувчиликка номзод кредитор томонидан тақдим этилмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан тугатиш бошқарувчиликка тавсия қилинган номзодлар ичидан, аризачи вакилининг фикрини ҳам инобатга олган ҳолда иккинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган Раимназаров Ханазар Абдиназаровични тугатиш бошқарувчи этиб тайинлашни лозим топди.

Қонуннинг 51-моддаси иккинчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, дарҳол ижро этилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6, 51, 52, 140-142, 241-242-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 36, 118, 170, 176-179, 186-моддаларига асосланиб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

Аризачи [REDACTED] қарздор [REDACTED] тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Қарздор [REDACTED] соддалаштирилган таомил асосида банкрот деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

[REDACTED] тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчиси зиммасига:

- [REDACTED] тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги тўғрисида “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 53-54 ва 143-моддаларида кўрсатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш;

- “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23 ва 144-моддаларида белгиланган барча мажбуриятларини тўлиқ бажариш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 224-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида корхонада сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ҳақида суддан ҳисоботни бир ойлик муддат ичида судга тақдим қилиш;

- тугатишга доир иш юрүтүш қараёнини қонунда белгиланган тартибда олиб бориш ва оралиқ ҳисоботни судга тақдим қилиш заруратга қараб судга тақдим қилиб бориш, 2023 йил 1 августга қадар эса тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ҳисоботни тақдим қилиш юклатилсин.

бошқарув органи зиммасига уч иш куни ичида корхонанинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлаш мажбурияти юклатилсин.

Қарздор

дан:

- аризачи

олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати;

- Республика бюджетига 900 000 сўм давлат божи ундирилсин ва бу ҳақда ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек Мажбурий ижро бюросининг Бекобод шаҳар бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига юборилсин.

Ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

М.Набиев